

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“\_\_\_\_\_”

Директори \_\_\_\_\_

(имзо): \_\_\_\_\_

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 й.

# БИЗНЕС РЕЖА

ПЕНА БЛОК ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ  
БОШЛАШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЛОЙИХАСИ

САМАРКАНД – 2021 Й.

## ***БИЗНЕС РЕЖАНИНГ ТАРКИБИЙ КИСМИ***

1. ТАДБИРКОР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ВА ЛОЙИҲАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ
2. КИРИШ
3. ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ ШАРҲИ
  - *ЛОЙИҲАНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА ФОЙДАСИ*
4. ЛОЙИҲАНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ
  - *СЕГМЕНТЛАРНИ АНИКЛАШ*
  - *РАКОБАТЧИЛАР ТАҲЛИЛИ*
  - *МАРКЕТИНГ МАЖМУИ «4-Р»*
  - *МАРКЕТИНГ МАТРИЦАСИ*
  - *SWOT ТАҲЛИЛИ*
5. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖИ
  - *ИШЧИ РЕСУРСЛАРГА ЭҲТИЁЖИ*
  - *ЛОЙИҲАНИНГ ЭНЕРГОРЕСУРСЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИ*
  - *СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА ЙИҒИМЛАР*
6. ЛОЙИҲАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ
  - *ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИНВЕСТЦИОН ХАРАЖАТЛАРИ*
  - *ТАДБИРКОР ХАРАЖАТЛАРИ*
  - *СОТУВДАН ТУШГАН ТУШУМ ХАЖМИ*
  - *ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТ ТАН НАРХИ*
  - *КОРХОНА ДАРОМАДЛАРИ*
7. ХУЛОСА
8. ОЛИНГАН КРЕДИТНИ КАЙТАРИШ ГРАФИГИ

## ТАДБИРКОР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ВА ЛОЙИХАНИНГ КИСКАЧА ШАРХИ

Лойиханинг кискача мазмуни:		
Лойиха ташаббускори:		
Тадбиркор (Паспорт маълумотлари):		
Корхонанинг рўйхатдан ўтган санаси		
Корхонанинг фаолият манзили:		
Лойиха суммаси		387 000 000 сум
Кредит маблағлари ҳисобидан	0 %	0 сўм
Ўз маблағлари ҳисобидан	100 %	387 000 000 сўм
Яратиладиган янги иш уринлари сони		10 та
<b>Лойиханинг самарадорлик курсаткичлари</b>		
Лойиханинг тула узини оқлаш муддати		<i>18 ой</i>
Соф жорий қиймат (NPV), сўмда		11 466 378 373
Ҳозирги қиймати (FCF), сўмда		387 000 000
Ҳозирги қиймати (TV), сўмда		387 000 000
Тўла оқлаш муддати (PP), йил		1,2
Дисконт оқлаш муддати (DPP), йил		1,1
Ички даромад даражаси (IRR), %		29,6%
<b>Асосий фаолият кўрсаткичлари</b>		
Соф пул оқими		13 893 750 000 сўм
Жамланган соф фойда		1 282 321 920 сўм
Лойиха рентабиллиги		9,23%

## КИРИШ

Ўзбекистон давлати мустакилликка эришгач ўз олдига *“бозор иктисодиётига асосланган, очик ташки сийosatга эга булган кучли хукукий – демократик давлат ва фукаролик жамияти барпо этиш”*дек олий максадни кузлаб, узининг янги тараккиёт йулини белгилаб олиб, ривожланган мамлакатлар каторига кушилиш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Президент фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли, 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарорларини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 ноябр куни *“Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги фармонини имзолади.

Фармонда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб тадбиркорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, имтиёзли кредитлар бериш, ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилиш, шунингдек республикамизнинг туман ва шаҳарларида тадбиркорликни ривожлантириш марказларини ташкил этиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш ишлари белгиланди.

Кузланган максадга эришиш учун танлаб олинган асосий бешта принципдан иборат булган *“Ўзбек модели”* асосида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси (Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари,

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар)нинг барча мамлакатлар, шу жумладан АКШ, Англия, Франция, Германия, Россия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар томонидан тан олинishi, давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий куллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари мустақилликка эришгандан буён 50-55 фоиз атрофида ажратилаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Дунёнинг кўпгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ривожланиб келаётган давлатлари тажрибаси шуни курсатмоқдаки, аввало, узининг хусусий мулкига эга булган шахс ва бундай шахслардан иборат булган тоифа бу бойликни янада қупайтириш, асраб-авайлаш, узини ва оиласини боқиш, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида булган қупгина вазифаларни амалга оширишга уз хиссасини қушади. Энг мухими, уз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда химоялаш учун астойдил жон қуйдиради. Ишлаб чиқариш ҳам бошка барча соҳалар каби айнан мулк эгаларига-тадбиркор ва ишбилармон инсонларга суянгандагина тараққий этади.

Энг мухими, бу амалга оширилаётган ишлар бир-бирини тулдириб, Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгач уз олдига қуйган олий мақсад яъни ***“бозор иқтисодиётига асосланган, очик ташқи сиёсатга эга булган қучли ҳуқуқий –демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”*** борасида узокни кузлаб ижтимоий сиёсатни амалга оширмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг тинчлигини, осойишталигини, барқарорлигини ва тараққиётини таъминламоқда.

## **ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРҲИ**

---

Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва қупайтириш, миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шу асосда аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Самарканд вилоятида хунармандчилик маҳсулотларига яъни темирчилик ишларига бўлган талаб юқорилиги туфайли тадбиркор бу фаолиятни ривожлантиришни режалаштирмоқда. Табдиркор томонидан бугунги кун талабларига жавоб берадиган, замонавий ускуналар билан жихозланган хунармандчилик цехида ушбу маҳсулотларга булган талабни имкон қадар кондириш учун тунука маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сифатини ошириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини йулга қуйиш учун ушбу лойиха ишлаб чиқилди.

Тадбиркор томонидан олиб борилган изланишлари натижасида халқимизнинг турмуш даражаси кундан-кунга ошиб бораётганлиги ва бунинг натижасида уй-рўзғор буюмларига булган эҳтиёжининг ошиб бориши ва бундай маҳсулотларга аҳолининг эҳтиёжи кучайиб бораётгани аниқланган. Мавжуд талабдан келиб чиққан ҳолда аҳолини талаби даражасидаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни арзон нархларда харидорларга етказиб бериш учун хунармандчилик фаолиятини кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қуйди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, миқозларга хизмат кўрсатиш даражаси юқори булганлиги сабабли ва таъминотда узилиш булмаганлигидан доимий миқозларни сони кундан-кун ортиб бормоқда. Вилоят ҳудудида эгалланган мавқеини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида тадбиркор асосий эътиборни юқори сифатли маҳсулотлар ва баҳоларини тушириш ҳамда бошқа шу каби омилларни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Лойиха Республика иқтисодий ривожлантириш талабларига жавоб беради.

-Ишлаб чиқариш даражасини қўпайтириш, тизимли ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

-Ички бозор талабларини кондириш;

-Аҳолини қўшимча иш ўринлари билан таъминлаш, иш шароитларини яхшилаш, аҳолии даромад фоизини қўпайтириш;

-Чиқарилаётган маҳсулотни экспортга йуналтириш;

Лойиха амалга оширилиши натижасида аҳолини иш билан таъминлаш, экспортни ривожлантириш, тадбиркорлик тармоқларини янада кенгайтиришг эришилади.

### *Лойиханинг устуворлиги ва фойдаси*

- Тадбиркорликни ривожлантириш
- Янги иш ўринларини яратиш

Тадбиркор ўз малака ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар яратиш ушбу маҳсулотларга булган талабни имкон қадар кондириш учун маҳсулотлар ҳажмини ошириш, сифатли шлака блок ишлаб чиқаришни йулга қуйиш учун ушбу лойиха ишлаб чиқилди.

Лойиха жами қиймати 387 000 000 сумга тенг миқдордаги асбоб-ускуналар ва хом ашё хариға сарфланиши кўзда тутлади.

Лойиха уч босқичда амалга оширилиши қузда тугилган:

#### **1 БОСКИЧ – Тайергарлик ишларининг ташкил этилиши**

**Вакт оралиғи:** 1 ой.

**Қилинадиган ишлар:** Кредит ҳужжатларини тайёрлаш, фаолиятни кенгайтириш ва ривожлантиришнинг иқтисодий асоси ҳисобланган бизнес – режани ишлаб чиқиш ва банк кредитини узлаштириш учун зарурий булган бошқа тайергарлик ишларини амалга ошириш.

#### **2 БОСКИЧ: Кредитни узлаштириш.**

**Вакт оралиғи:** 1-2 ой

**Қилинадиган ишлар:** Банк томонидан ажратилган кредит маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ушбу маблағ ҳисобидан амалга оширилиши қузда тугилган ишларни тулик амалга ошириш. Маҳсулот етказиб берувчиларни аниқлаш, хом ашёни харид қилиш ва жихозлаб иш фаолиятини ташкил этиш. Режалаштирилаётган фаолиятни тулик ишга туширилиши учун барча имкониятларни яратиш.

#### **3 БОСКИЧ: Нормал иш фаолиятининг йулга қуйилиши.**

**Қилинадиган ишлар:** Тулик тижорат фаолиятини йулга қуйилиши ва кредит маблағларини қайтариш учун узлуксиз ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб, олтмиш ой давомида кредит маблағларидан тулик қутилиш.

## ЛОЙИХАНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ


Маълумки ишлаб чиқариш фаолиятининг муваффақиятли амалга ошиши кўп жihatдан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволининг яхшилиги ва турмуш фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ. Аҳоли турмуш фаровонлиги эса Республиканинг, хусусан минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига боғлиқдир.

Тадбиркор томонидан олиб борилган маркетинг изланишлари натижасида халқимизнинг турмуш даражаси кундан-кунга ошиб бораётганлиги ва бунинг натижасида уй-рўзғор буюмларига бўлган талаб ошиб бораётганлиги, бугунги кунда бундай маҳсулотларга бўлган талаб юкори эканлиги аникланди ва тадбиркор мавжуд талабдан келиб чиккан холда аҳолини талаби даражасидаги дарвоза маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уни арзон нархларда харидорларга етказиб беришни ўз олдига мақсад килиб қўйди.

Тайёр маҳсулотнинг экспортини янада ривожлантириш мақсадида дунёнинг энг йирик [www.alibaba.com](http://www.alibaba.com) онлайн савдо майдони оркали қўшни давлатларнинг маҳсулотларига булган талаб ва эҳтиёжлари урганиб борилади.

Натижада куйидаги кўрсаткичларини ташкил килади;

### СЕГМЕНТЛАРНИ АНИКЛАШ



- 1) Хорижий харидорлар
- 2) Бошка вилоят тадбиркорлик субъектлари
- 3) Маҳаллий тадбиркорлар



## Ракобатчилар тахлили

Жадвал № 1

Ракобатчилар номи	Давлат номи	Нархи	Ишлаб чиқариш куввати
Вилоятимиздаги ушбу фаолият билан шугулланувчи тадбирокрлар	Ўзбекистон	Урта	Йиллик 100,0-120,0 млн.сўм

### МАРКЕТИНГ МАЖМУИ «АР»

<b>Produkt-Махсулот</b> Сифатли, экспортбоп темирчилик махсулотлари	<b>Price-нарх</b> Нарх ҚЎЙИШ тамойили харидорларнинг талабидан Келиб чикиб белгиланади.
<b>Place-Жой</b> Бизнес худуд-корхона Самарқанд вилояти, Жомбой туман ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширади. Ушбу манзилдан Ўзбекистон буйлаб етказиб бериш имконияти мавжуд.	<b>Promotion -Ҳаракатланиш</b> Хунарманд ўз пештахта, афишалар, телевидения орқали реклама ва Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг расмий веб сайтидан ва «Yellowpegas» каталогли журналларидан ҳамда <a href="http://www.alibaba.com">www.alibaba.com</a> глобал тармоги орқали мижозни ўзига жалб этади.

Хозирги кунда аҳолининг қурилиш материалларини харид қилишда шлака блоксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Корхона уз фаолиятини йулга қуйган холда нисбатан арзон баҳода сифатли хар хил турдаги газо блок ишлаб чиқаришни уз олдиға мақсад қилиб қуйган. Корхона томонидан ишлаб чиқаришни йулга қуйиш учун мавжуд ишлаб чиқариш биноларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ишлаб чиқариш ускуналари, корхонанинг қурилиш ишлари ва хом ашё сотиб олиш учун пул маблағлари зарур хисобланади. Мижозларға уз вақтида буюртма буйича ва умумий тартибда махсулотишлаб чиқариш ва сотиш хизматларини курсатади.

Корхонада пена блок ишлаб чиқариш учун \_\_\_\_\_ да ишлаб чиқарилган \_\_\_\_\_ ускунаси сотиб олинади

Кредит маблағига сотиб олинadиган хом-ашё эвазига 100 % кувват билан ишлаганда соатиға 30 куб метр газо блок махсулотини ишлаб чиқариш унумдорлиғига эгадир. Корхона томонидан ишлаб чиқаришни йулга қуйишда

яъни цементни \_\_\_\_\_ ишлаб чиқариш корхонасидан узаро шартномалар тузган холда сотиб олинади Корхонада 1 кунда 10 соат иш вақти 1 ойда 26 иш кунни белгиланади. Корхона томонидан ишлаб чиқаришни йулга қуйиш, ишлаб чиқариш орқали юқори самарадорликга эришган холда кредит суммасини қайтариш қобилиятига эгадир. Корхонада ушбу фаолиятга меҳнатга лаёқатли 10 нафар мутахасислар ишга жалб қилиниб натижада 10 киши учун янги иш уринлари яратилади.

Корхона уз фаолиятини олиб бориш асосида ишлаб чиқаришнинг такомиллашувига ва ривожланишига асосий эътиборини қаратади.

Корхона уз фаолиятини амалга ошириш давомида ташқи муҳит таъсирида носоглом вазиятлар қелиш эҳтимолини бартараф этиш учун белгиланган тартибда ветеринария хизмати, санитария эпидимология инспекциясини ва сугурта ташкилоти билан узаро алоқада муносабат мажбуриятларини тузади.

Тайёр маҳсулотнинг сотишини янада ривожлантириш мақсадида рекламадан фойдаланиб, аҳолининг маҳсулотларга булган талаб ва эҳтиёжлари урганиб борилади.

### SWOT ТАХЛИЛИ

Жадвал № 3. Ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Афзалликлар (Strengths)	Заифликлар (Weaknesses)
<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Нархнинг нисбатан пастлиги.</li> <li>✓ Мақсад аниқлиги ва мақсад сари интилувчанлик</li> <li>✓ Рақобатбардошлилик</li> <li>✓ Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга яқинлик.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Ташқи омилларга таъсирчанлик</li> <li>✓ Харидорлар ишончини ва хизмат кўрсатиш қуникмасини шакллантиришда юзага келадиган қийинчиликлар</li> <li>✓ Дастлабки босқичда қаттиқ рақобатга таъсирчанлик</li> </ul>
Имкониятлар (Opportunities)	Тусиклар (Treats)
<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Четдан қушимча инвестициялар қиритиш имкони мавжудлиги</li> <li>✓ Уз савдо дукони орқали маҳсулот сотишни йулга қуйиш имкони мавжудлиги</li> <li>✓ Нарх эгилувчанлигидан (қамайтириш ва қупайтириш потенциали мавжудлигидан) фойдаланиш ва. х.к.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Юзага қелиши мумкин булган гирром рақобат</li> <li>✓ Дастлабки вақтда маҳсулотни сотишишларини ташкил этишда юзага келадиган қийинчиликлар.</li> <li>✓ Ва. х. к..</li> </ul>

---

# **ИШЛАБ ЧИКАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭХТИЁЖ**

---

## **ИШЧИ РЕСУРСЛАРГА ЭХТИЁЖИ**

Ушбу лойиханинг ишчи кучига ва ходимларга булган талаби 10 кишини ташкил килади. Ишчиларининг иш вакти 10 соатлик ҳафтасига 6 иш кунини тартибда ташкил этилиб, эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 19:00 гача (тушлик 13:00 дан 14 :00 гача) иш вакти ҳисобида булади.

Ишчи кучи учун туланадиган иш хаки бир ойда хар бир киши учун ўртача 700 000 сўмни ташкил этиб, 4 кишига бир ойга 3 100 000 сўмни ташкил килади.

## **ЛОЙИХАНИНГ ЭНЕРГО РЕСУРСЛАРИГА БУЛГАН ТАЛАБИ**

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Толибарзуи поён маҳалласида мажмуа биноси барча коммунал тармоқларга уланган булиб, барча шароитлар мавжуд. Бундан ташқари ушбу корхона шаҳар инфратузилмасига яқин жойлашган ва барча турдаги транспортлар ва аҳоли катнови йулга куйилган. Бунда электр энергияси харажатлари уртача ойлик 840 кВ бўлиб, 221 000 сумни ташкил килади.

## **СОЛИКЛАР ВА БОШКА ЙИГИМЛАР**

Лойихага асосан солиқ туловлари асосан икки турда булиб, бири ишчилар иш хакидан солиқ туловлари ва иккинчиси тадбиркорлик фаолияти билан шугулланганлик учун ягона солиқ туловидан иборат. Барча солиқ туловларининг ҳисоби молиявий булимда келтирилган.

---

## ЛОЙИХАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ

### ЛОЙИХАНИНГ УМУМИНВЕСТЦИОН ХАРАЖАТЛАРИ

**Жадвал № 4. Ўз маблағлари ҳисобига сотиб олинadиган асбоб-ускуналар ва хом ашё ресурслари**

№	Номланиши	Ул.бир.	Сони	Нархи	Жами киймати
1	Асбоб-ускуна хариди учун	Комп.	1	150 688 000	150 688 000
2	Хом-ашё харажатлари учун	Комп.	1	187 000 000	187 000 000
4	Қурилиш ишлари учун	Комп.	1	49 312 000	49 312 000
<b>Жами инвестицион харажат</b>					<b>387 000 000</b>

### МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААЛАРИ

**Жадвал № 5. Лойиха харажатларининг молиялаштириш манбаалари**

№	Номланиши	Жами харажат	Кредит ҳисобидан		Шахсий маблағ ҳисобидан	
			%	сум	%	сум
1	Асбоб-ускуна хариди учун	150 688 000	0%	0	100%	150 688 000
2	Хом-ашё харажатлари учун	187 000 000	0%	0	100%	187 000 000
4	Қурилиш ишлари учун	49 312 000	0%	0	100%	49 312 000
<b>Жами</b>			<b>0,0%</b>	<b>0</b>	<b>100,0%</b>	<b>387 000 000</b>
<i>Яли инвестицион харажат</i>						<i>387 000 000</i>
<i>Харажатларни молиявий манбаалари</i>						
<i>Кредит маблағлари ҳисобидан хариди режалаштирилган мулк</i>					<i>0%</i>	<i>0</i>
<i>Шахсий маблағ ҳисобидан хариди режалаштирилган мулк</i>					<i>100,0%</i>	<i>387 000 000</i>

**Жадвал № 6. Лойиха олди молиявий харажатлари**

№	Номланиши	Хисоб базаси (сум)	Хисоб нормаси (% хисобида)	Харажат суммаси (сум)
1	Хужжатларни расмийлаштириш учун нотариус туловлари	387 000 000	1%	3 870 000
2	Бизнес режани тайёрлаш харажатлари	387 000 000	0,1%	387 000
<b>Жами лойиха олди молиявий харажатлари</b>				<b>4 257 000</b>

**ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ТУРЛАРИ**

Темир дарвоза ва дераза учун панжаралар ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиб, куйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради.

- Пена блок;

Ушбу маҳсулотларнинг ўртача нархи куйидагича белгиланади:

**Жадвал № 7. Ишлаб чиқарилган маҳсулот нархи.**

Пена блокнинг ўртача нархи	475 000 сўм
----------------------------	-------------

*Изоҳ: Маҳсулот нархлари аҳолининг талаблари асосида мақбул нархларда келтирилган.*

**КОРХОНАНИНГ ЙИЛЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ****Жадвал № 8. Ишлаб чиқариш режаси**

№	Хизмат кўрсатиш номи	Ўл. бир.	1 кунда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори	1 ойда чиқариладиган маҳсулот миқдори	1 йилда чиқариладиган маҳсулот миқдори
1	Пена блок	Куб.м	30	750	9000

**КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИ****Жадвал № 9. Ишчи ҳақи ҳисоб-китоби**

№	Лавозими	Сони	Урта ҳисобда ойлик маош	Жами бир ойлик харажат	Жами биринчи йиллик
1	Директор	1	1 500 000	1 500 000	18 000 000

2	Бухгалтер	1	1 400 000	1 400 000	16 800 000
3	Ишчи	8	1 200 000	9 600 000	115 200 000
<b>Жами</b>		<b>10</b>		<b>12 500 000</b>	<b>150 000 000</b>

*Изох:*Ишчи ходимларни иш хақи корхонани молиявий ҳолатидан келиб чикиб, ўзгариб туради. Ушбу ҳолат тадбиркор томонидан амалга оширилади.

Директор ва ишчиларнинг ойлик ажратмалари (12%) ҳисоб китобини куриб чиқамиз:

#### **Жадвал № 10. Умумий иш хақи ҳисоб-китоби**

№	Номланиши	1 ой	1 йил
1.	Иш хақи	12 500 000	150 000 000
2.	Иш ҳақидан 12 % ажратма	1500000	18000000
<b>ЖАМИ:</b>		<b>14 000 000</b>	<b>168 000 000</b>

#### **Жадвал № 11. Коммунал харажатлар**

№	Номланиши	Сони	Сумма	1 ой	1-йил
1	Эл.энергия	840	1000	1 840 000	22 080 000
2	Сув таъминоти	40	1200	48 000	576 000
<b>Жами</b>				<b>1 888 000</b>	<b>22 656 000</b>

### **ИШЛАБ ЧИКАРИШ КУВВАТИ**

Корхона томонидан ишлаб чиқараладиган 1 куб пена блок ишлаб чиқариш учун 320 кг цемент, 420 кг қум маҳсулотлари ва кимёвий қўшимчалар зарур ҳисобланади. Корхонада ишлаб чиқаришни йулга куйиш учун 1 кг цемент 520 сумдан сотиб олинади. 1 йилда корхона томонидан ишлаб чиқариш 75 % кувватда 2 йил 100 % кувватда ишлаб чиқариш мулжалланган. Корхона томонидан Пена блок ишлаб чиқариш ускунасининг технологик жараёни буйича соатига 30 куб.м пена блок ишлаб чиқарилади.

**Жадвал № 11.**

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Мик-дори	Нархи	Жами
1	Цемент	кг	340	620	210 800
2	Қум	кг	420	140	58 800
3	Қўшимчалар	кг	1,5	70 000	105 000
4	Сув	Литр	1,7	1200	2000
	<b>Жами</b>				<b>376 600</b>

**СОТУВДАН ТУШГАН ТУШУМ ХАЖМИ****Жадвал № 14. Бир йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган тушум**

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	1 йилда	Нархи (сум )	Жами суммаси (сум )
1	Пена блок	Куб.м	9000	475 000	4 275 000 000
	<b>Жами:</b>				<b>4 275 000 000</b>

**СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ ТАННАРҲИ****Жадвал № 15. Бир йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи**

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	1 йилда	Таннархи (сум )	Жами суммаси (сум )
1	Пена блок	Куб.м	9000	376 600	3 389 400 000
	<b>Жами:</b>				<b>3 389 400 000</b>

**КОРХОНАНИНГ ЯЛПИ ТУШУМИ****Жадвал № 14. Корхонанинг 1 йиллик ялпи тушуми**

№	Номланиши	Нархи (сум)
1	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	4 275 000 000
2	Маҳсулот таннархи	3 389 400 000
	<b>Ялпи тушум</b>	<b>885 600 000</b>

## КОРХОНА ДАРОМАДЛАРИ

Жадвал № 15. Соф фойда.

№	Номланиши	1- йил	2- йил	3-йил
1.	Хизматлардан тушган тушумлар	4275000000	4 702 500 000	4 916 250 000
2.	Хизмат кўрсатиш харажатлари	3389400000	3 728 340 000	3 897 810 000
3.	<b>Ялпи даромад</b>	<b>885 600 000</b>	<b>974 160 000</b>	<b>1 018 440 000</b>
4.	Маош харажатлари	150 000 000	165 000 000	172 500 000
5.	Реклама харажатлари	1 500 000	1 650 000	1 725 000
6.	Кўзда тутилмаган бошқа харажатлар	4 428 000	4 870 800	5 092 200
7.	Иш ҳақидан ажратма 12%	18 000 000	19 800 000	20 700 000
8.	Ягона солиқ тўлови 4%	171 000 000	188 100 000	196 650 000
9.	<b>Ялпи фойда</b>	<b>540 672 000</b>	<b>594 739 200</b>	<b>621 772 800</b>
10.	<b>ЕБИТДА</b>	<b>540 672 000</b>	<b>594 739 200</b>	<b>621 772 800</b>
11.	Амортизация харажатлари	100 000 000	100 000 000	100 000 000
12.	<b>ЕБИТ</b>	<b>440 672 000</b>	<b>494 739 200</b>	<b>521 772 800</b>
13.	Фойда солиғи 12%	52 880 640	59 368 704	62 612 736
14.	<b>Сой фойда</b>	<b>387 791 360</b>	<b>435 370 496</b>	<b>459 160 064</b>
15.	<b>Соф рентабеллик</b>	<b>9,07%</b>	<b>9,26%</b>	<b>9,34%</b>



## ХУЛОСА

Юқорида кўрсатилган жадваллар ва маълумотлардан кўришиб турибдики корхонанинг даромадлилик ва самарадорлик даражаси йилдан йилга ошиб боради, яъни биринчи йилда олинадиган соф фойда суммаси **387 791 360** сўмни ташкил этади. Тадбиркор 3-йилдан сўнг **1 282 321 920** сўм соф даромад қилиб, қилинган инвестицион харажатларни тўлиқ қоплайди ҳамда ушбу маблағларни фаолиятини янада кенгайтиришга, янги иш ўринлари яратишга ва вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш сарфланишини қўзда тутди.

Даромадлилик ва самарадорлик тахлили шуни курсатмоқдаги лойиханинг соф рентабеллик даражаси ялпи ҳисобда уртача **9,2 %**ни ташкил қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги маълумотларни ҳисобга олиб лойиха тижорий самарадор ва барқарор деб баҳоланади ва мулжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга қодирлиги билан бу соҳага инвестиция киритиш лозимлигини курсатиб турибди.

Бу турдаги фаолиятни жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва ривожланиш, тараққий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бериб, ҳудуднинг иқтисодий – ижтимоий ўсиши ва барқарорлигига ўз ҳиссасини қўшади.

Барча келтирилган маълумотлар ва ҳисоб – китобларни ўрганиб чиқиб тадбиркорнинг пена блок маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш буйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

Директори \_\_\_\_\_ . \_\_\_\_ . \_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 й.  
м.у.

